## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1805-ҳадис

1805/5162 – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ الله عَنْهَا، أَنَّهَا زَفَّتِ امْرَأَةً إِلَى رَجُلٍ مِنَ الْأَنْصَارِ، فَقَالَ نَبِيُّ اللهِ صلى الله عليه وسلم: «يَا عَائِشَةُ، مَا كَانَ مَعَكُمْ لَهْوٌ؟ فَإِنَّ الْأَنْصَارَ يُعْجِبُهُمُ اللَّهْوُ».

1805.5162. Ҳишом ибн Урва отасидан ривоят қилади:

«Оиша бир аёлни бир ансорийникига узатиб борибди. Кейин Набиюллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Оиша, сизларда нима ўйин-кулги бўлди? Ахир ансорлар ўйин-кулгини ёқтиришади», дебдилар».

Изоҳ: Бу ерда шариат рухсат берган даражадаги ўйин-кулги назарда тутилганини барча бир овоздан таъкидлаган.

---

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI